

# ЛОЙИХА –СМЕТА, ( ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 20156

Фаргона шаҳри

2022 йил “13” май

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “OLTIARIQ DESING” ХК номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Д.Эркабоев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни, Курилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

## 1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Фаргона вилояти Фаргона шаҳар Нурафшон кўчаси Мустақиллик шаҳарчаси ҳудудида 420 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти қурилишига лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш З (АТТА лойиҳаси ҳаражатлари билан бирга) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. « 11 » май кунги харид комиссиясининг 20156-сонли баёнига асосан жорий нархларда **450 000 000** (тўрт юз эллик миллион) сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиғи 15% - **58 695 652** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 16 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 30 ” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган КМҚ, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиланади.

## 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, кабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб

ракамига маблаг ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

#### **6.Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош мухандисни тайинлайди.Бош мухандис лойиха-смета хужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чикилишини назорат килади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилётган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот тақдим килиб боради. Пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли килиб бажаради.

#### **7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбағаликкни кискартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Пудратчи З кун мобайнida лойиханинг ишчи хужжатларини 3 нусхада, смета хужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим килади.Лойиханинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган хисобланади.

7.2. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четга чикшлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аникланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аникланаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниклангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни киска муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф киласи.

#### **8.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

#### **9.Кафолатлар**

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлади;

#### **10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишили қисмини тўлайди.Пудратчи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган кидириув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараённида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аникланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чикиши ва шунга мувофик зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;  
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар хисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ заар тўлигича Пудратчидан ундириб олинади.  
Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул килиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хуқукига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкилот шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган ҳаракатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот хисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам хисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмiga кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги холларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чикиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки кисман мумкин бўлмай колса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

- 11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:
  - коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-харакатларни амалга оширмаслик;
  - шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;  
-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий ҳукуқбузарликларни содир этганлиги ҳакида алокা каналларига мурожаат килиши мумкин.

### **12. Низоларни ҳал қилиш**

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Фаргона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу карор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аникланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза килиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш хажмлари ва уларнинг нарх параметлари кисмида ўtkазилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мүмкін эмаслиги аник бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлик ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мүмкін.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қылган томон иккинчи томонға ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди.

#### 14. Алохида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Фазналилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради хамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома З (уч) нусхада тузилди. Уч нусха хам айнан бир хил ва teng юридик кучга эга.

15. Томонларниң банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

## **Буюртмачи** Фарғона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати”

Манзили: Фаргона ш. Темирйўл кўчаси 37-уй  
Тел./факс 244-52-24  
ШХР 100021610304014036525251039  
Ташкентнинг: СТИР 204816336 ОКЭД-  
Фаргона вилояти буйича Ғазничилик бошкармаси  
ЯФХ : 23 402 000 300 100 001 010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)  
МФО: 00014 Ғазничилик будинчимасининг  
СТИР: 201 129 9116 YASIDA 8.1

Рахбар  
M.Y.

Хукукшунос:

«Пудратчи»  
“OLTIARIQ DESING” XK

Манзил: Фарғона ш. Мустакиллик кўчаси 83-уй  
Тел: 998-90-560-80-02  
Х/Р: 2020 8000 404 733 335 001

Банк: Ҳамкор банк Қувасой шаҳар филиали

МФО: 01003 ИНН: 300 935 362

OKOHN  
REGINA

Директор —  Д. Эркабоев

